

ҚОЗОҚ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ФРАЗЕОЛОГИЯСНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР

Sayfullayev Baurjan Nurumbet o‘g‘li,
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети
sayfullayevbaurjan@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек ва қозоқ тиллари фразеологияларини ўрганиш тарихи, тадқиқотчи олимлар ҳамда фразеологизмларнинг умумий талқини ҳақида айтилади.

Калит сўзлар: тилшунослик, тадқиқот, фразеология, таққослаш, тарихий ривожланиш.

Аннотация. В этой статье рассматривается вопрос об истории изучения фразеологизмов узбекско и казахского языков, про учёных изучавших данную область, а также общая интерпретация фразеологии.

Ключевые слова: лингвистика, исследование, фразеологический оборот, сравнение, историческое развитие.

Abstract. In this article, we are talking about the history of study and researchers in the phraseology of the Uzbek and Kazakh languages, as well as the general interpretation of phraseology.

Key words: linguistics, research, phraseological circulation, comparison, historical development.

Фразеология жуда мураккаб лингвистик бирлик бўлиб, кундалик нутқда ишлатиладиган сўзлардан фарқ қилади ва у аждодлар тил мероси, хаёти, урф-одатлари, маданияти, диний эътиқодлари, ёдгорликларини ўз ичига олади. Бундай сўзларнинг тарихи ва маъносини махсус таҳлилсиз англаш мумкин эмас. Бугунги кунда ёшлар оғзаки ва ёзма тилларда мураккаб лисоний бирликларни камдан-кам ишлатиши ёшларимизнинг сўзлашув санъатидан узоқлашаётганлигини кўрсатади.

Маълумки, фразеологизмларнинг умумий муаммолари ўзбек ва қозоқ тилшунослигида яхши ўрганилган. Ўзбек тили ҳам бошқа туркий тиллари сингари фразеологияга бой. Бунинг тасдиғини авлоддан-авлодга, асрдан-асрга оғзаки ва ёзма равишда ўтиб келаётган миллий халқ оғзаки ижоди ҳам тасдиқлайди.

Ҳозирги кунгача фразеология масалаларига оид ишларда фразеологизмларнинг ҳажми ва маъноси ҳақида турлича қарашлар бор. Замонавий тилшуносликда фразеологик ҳодисаларга кенг ва тор йўналишдаги тил воситалари сифатида қаралади. Масалан, Е.М. Галкина-Федорук, А.А.Реформатский, А.И.Ефимов, В.В.Виноградов ишларида барча турғун сўз

бирикмалари, нақл-мақоллар, афоризмлар фразеологик қаторига киритилса, М.М.Копыленко, З.Д.Попова фразеологизмларга кенг нуқтаи назардан ёндашади. [Копыленко М.М., Попова З.Д., 1989: - С.192.] Фразеология объектини тор йўналишда тушуниш А.И.Молотков, М.Т.Тагиев, И.А.Федосов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўзга ташланади.

“Фразеология” атамаси юнонча “фраза” (phrasis – ифода, нутқ ўрами) сўздан олинган бўлса-да, туркийшуносликда дастлаб бу атама турлича маъноларни ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан, XIX асрда яшаган туркийшунос олим Мирза Козимбек (1802-1870) ўша давр анъаналаридан келиб чиқиб, рус тилида ёзилган бошқа тасвирий грамматикаларда бўлгани сингари ўз асарида “фраза” сўзини “жумла”, “гап” (предложение) маъносида қўллаган.[Казим-бек М.А., 1846:120] “Фразеологик бирикма” дейилганда эса сўздан йирик тил бирикларини тушунган. Бир сўз билан айтганда, фразеология бу – таркиби ва тузилиши барқарор (ўзгармас) бўлган, камида икки сўзнинг бирлашмасидан иборат, тайёр ҳолатда ишлатиладиган лингвистик бирик. Ўзбек ва қозоқ тилларидаги фразеологизмларнинг маъноси бу икки халқнинг миллат сифатида қадимий ҳаётини ҳар томонлама тасвирлайди. Икки халқнинг қадимги кундалик ҳаёти асосида шаклланган доимий ибораларни икки тиллий маълумотларимизда топиш мумкин. Ушбу доимий иборалар тилни ишлатишда ҳар бир даврнинг урф-одатлари, маданияти, психологияси, тарихи билан боғлиқ ҳолда шаклланади ва ривожланади. Бинобарин, ушбу икки халқ тилининг бадий фразеологияси асрлар давомида ўзларининг турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятлари туфайли ўсиб борган қадриятларидан биридир.

Фразеология тилшуносликнинг махсус соҳаси бўлиб, тадқиқот объекти бўйича фарқланиб туради. Уни тилшунос олим В.Н.Телия фразеологияни қуйидаги типларга бўлиб, яъни,

Фразеология-1 – тилшуносликнинг бир бўлими, сўзлар бирикиши, идиомалашуши ва уларнинг белги вазифаларини ўрганади;

Фразеология-2 – маъноларнинг боғланиши категорияларини ўрганадиган тилшунослик (лексик ва семантик, шунингдек, лексик-грамматик аспектда) сўзнинг маъносига боғлиқ ҳолда таниб олиш вазифалари;

Фразеология-3 – тайёр нутқни формулаларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси (нутқ маданияти ва вазияти назарияси билан ўзаро алоқада);

Фразеология-4 – маълум бир оқим, услуб ёки муаллифга хос бўлган атама номинациясини ўрганувчи лингвостилистика соҳаси;

Фразеология-5 – паремиология соҳаси;

Фразеология-6 – “aforizm” сўзларни тўпловчи амалий тилшунослик соҳаси [Телия В.Н. 1996.-С.75.] деб кўрсатилганидек, олти тармоққа бўлиб ўрганиш тилдаги турғун сўз бирикмалари ҳар бирининг хусусиятига хос ҳолда тўлиқ ўрганишга, тизимга туширишга ёрдам беради. Тилда турғун сўз бирикмалар номи билан юриталадиган умумий тил бирикларига: идиомалар, фразеологик бирликлар, нақл-мақоллар, қўшма терминлар ва атамалар, қанотли сўзлар, штамплар ва тайёр нутқий формуласи киради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгилари билан ажралиб туради, уларга хос умумий белги уларнинг турғунлигида, тилда тайёр ҳолда яшашида, яъни ташқи шаклларида кўринади, уларнинг семантикаси эса ҳар хилдир.

Ўзбек ва қозоқ тилшунослигида фразеология тилшуносликнинг асосий тадқиқот объекти бўлиб, тадқиқотчилар эътиборини жалб қилмоқда.

Ўзбек фразеологиясига доир дастлабки ишлар XX асрнинг 50-йиллар бошида юзага келди. Улар қаторига Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, Я.Д.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг номзодлик диссертацияларини киритиш мумкин. [Раҳматуллаев Ш.У. 1952:16] Бу ишларда ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар академик В.В.Виноградовнинг структурал-семантик таснифи асосида таҳлил этилади, фразеологик бирликлар фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма ва фразеологик қўшилмаларга ажратилади. Шунингдек, бу ишларда ўзбек тилида яқка сўзлардан иборат образли иборалар ҳам мавжудлиги таъкидланган.

Ўзбек фразеологиясига оид бу ишлардаги энг катта нуқсон шундаки, уларда тилининг бой ва серқирра фразеологик тизимига акад. В.В.Виноградов таснифи нуқтаи назаридангина ёндошилади, туркий тилларнинг, жумладан ўзбек тилининг ўз ички табиати инобатга олинмайди. Я.Пинхасов, А.Шомақсудов, М.Хусаиновларнинг ишларида эса умумхалқ фразеологизмлари билан индивидуал-автор фразеологизмлари ўртасидаги чегара аниқ кўзга ташланмайди, тадқиқотнинг соф лингвистик йўналиши билан адабиётшунослик, бадиий-услубий йўналиши аралаштирилади.

Ш.Раҳматуллаевнинг дастлабки тадқиқотида ўзбек тилидаги феъл фраземаларнинг грамматик хусусиятларини ўрганишга бағишланган бўлса, олим 1966 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси, шу асосда эълон қилинган “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” (1966) номли монографияси билан ўзбек тилидаги фраземаларни луғавий бирлик сифатида ўрганишни асослади. Бу ишда фраземалардаги кўп маъноlilik, маънодошлик, вариация, антонимия, шаклдошлик ҳодисалари бой фактик материал (ўттиз

мингдан ортиқ карточка) таҳлили асосида чуқур тадқиқ этилиб, фраземаларнинг луғавий бирлик сифатидаги бошқа белги-хусусиятларини текширишга йўл очилган.

Умуман олганда, Ш.Раҳматуллаев тўғри таъкидлаганидек, “вариантлашиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантлашиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар ибораларга хос яхлитликни емирмайди, парчаламайди, балки иборага хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барпо қилинади”. [Раҳматуллаев Ш.У.,1966:145]

Ушбу олимнинг монографиясида фразеологизмнинг умумий лингвистик табиати, уларнинг асосий хусусиятлар, ҳажми, лексик бирликлар ва фразеологик ибораларнинг ўхшашликлари ва хусусиятлари, еркин иборалар, қўшма сўзлар, фелларнинг аналтик шакллари, мақолларнинг фразеологияга алоқаси, фразеологик изланишлар, фразеологизмларнинг маъно-мазмун, лексик ва семантик гуруҳлари, полисемияли ва омонимик фразеология, антоним фразеология, фразеологик синонимлар, фразеологик ўзгарувчанлик, фразеологизмларнинг морфологик ва лексикографик қўлланишини ҳар томонлама таҳлил қилиш келтирилган. Бундан кўринадики, Ш.Раҳматуллаевнинг тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг шаклланиши ва ривожиди алоҳида аҳамиятга эга.

Айтиш жоизки, 60-80-йилларда ва мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясини яна бир бошқа йўналишда ўрганиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди, яъни ХХ аср ўзбек ёзувчилари, шоирлари, публицистлари асарларининг тили ва услубига оид кўпгина ишларда, номзодлик диссертацияларида фраземаларнинг услубий вазифаларини ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият берилди. Бу жihatдан Абдурауф Фитрат (И.Ғаниев), Абдулҳамид Чўлпон (Д.Қуроноф, М.Йўлдошев), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (Б.Турдиалиев, Ш.Қозоқов), Абдулла Қодирий (Х.Қаҳҳорова, Ф.Насриддинов), Абдулла Қаҳҳор (И.Қўчқортоев, О.Абдуллаева, Р.Қўчқортоева), Ойбек (Қ.Самадов, Ҳ.Низомхонов, С.Боймирзаева), Ғафур Ғулом (Н.Шукуров, Б.Чориев), Комил Яшин (Э.Абдиев), Ҳамид Олимжон (С.Бобоева), Зулфия (С.Каримов), Мақсуд Шайхзода (Б.Ёриев), Асқад Мухтор (Ў.Носиров), Шароф Рашидов (Р.Миразизова), Шухрат (М.Тўйчиев), Саид Аҳмад (Б.Йўлдошев), Шукур Холмирзаев (Р.Нормуродов), Озод Шарафиддинов (Х.Ҳамраева) каби сўз санъаткорларининг асарларида

кўлланган фраземалар таҳлиliga оид ишлар диққатга сазовордир. XX асрнинг 70-80-йилларида ўзбек тилшунослари фраземаларнинг “Муштум” журнали саҳифаларида (А.Абдуназаров), умуман, публицистик услубда (Т.Курбонов, А.Абдусайдов), сўзлашув нуткида (Б.Ўринбоев, М.Турсунпулатов, К.Бозорбоев, Д.Ўринбоева) кўлланилишини ўргандилар, фраземаларнинг экспрессивликни ифодалашдаги роли (А.Абдуллаев), фольклор асарларида, жумладан, “Алпомиш” достонида кўлланган фраземалар (Ш.Шоабдурахмонов, Б.Ўринбоев, С.Турсунов, К.Бозорбоев), эмоционал-баҳо фраземаларининг семантик-услубий хусусиятлари (Абдуғафур Маматов), фразеологик меъёр ва ундан четга чиқишларнинг типлари (Абдимурод Маматов) сингари масалаларни ўрганишда ҳам яхши натижаларга эришилди, газета тилида фраземаларнинг кўлланиш хусусиятлари махсус тадқиқ этилди, [Абдусайдов А., 1990:120] газета сарлавҳалари функциясида фраземаларнинг кўлланиш имкониятлари таҳлил этилди. [Тошалиев И., Абдусайдов А., 1995:98-117] Бу ишларда фраземаларнинг услубий вазифалари фақат у ёки бу персонажлар тавсифи учун восита сифатида эмас, балки муаллиф нутки бадииятининг, асар халқчиллигининг кўрсаткичлариидан бири сифатида ўрганилди, матбуот саҳифаларида фраземаларнинг кўлланиши ва бу соҳада адабий тил меъёрига риоя қилиш муаммолари ёритилди. Ана шундай қизиқарли ишлар асосида ўзбек тилида фразеологизмларни ўрганиш уахши йўлга қўйилган, ўзбек фразеологиясини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати бу соҳада, шунингдек, фразеологизмнинг турли жабҳаларида изланишлар олиб бормоқда.

Қозоқ тилшунослигига тўхталадиган бўлсак, фразеологияни махсус назарий ўрганиш XX аср ўрталарида бошланиб, С.Кенгесбаев, А.Исқақов, М.Балақаев, Р.Сиздиқова, Ў.Айтбаев сингари олимларнинг илмий ишлари қозоқ тили фразеологиясини ўрганишда кенг йўл очди.

С.Кенгесбаев ушбу фразеологияни туркийзабон халқлар тилшунослигида тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида кўриб чиқиш масаласини кўтарган ва қозоқ тили фразеологиясини ҳар тамонлама ўрганишга замин яратган олимдир. С.Кенгесбаев маъно уахлитлиги, сўз бирикмаларининг изчиллиги, фразеологизмларни ўрганишда фойдаланишнинг изчиллиги каби учта белги ёки учта мезон асосида бутун қозоқ тили ҳодисаларини иккита асосий турга ажратди. Улардан биринчиси фразеологик тугунлар, иккинчиси фразеологик иборалар дейилади.

Бундан ташқари, С.Кенгесбаевнинг “Қозоқ тилининг фразеологик иборалари”, “Қозоқ тилининг идиомалари ва фразалари тўғрисида” асарларини

умумий фразеологияга оид энг қимматли асар деб ҳисоблаш мумкин. И.Исқақов, М.Балақаев ўз асарларида доимий ибораларни икки гуруҳга ажратди: Идиоматик иборалар ва фразеологик иборалар, Р.Сиздикова, А.Болғанбаев, Г.Калиев, Ў.Айтбаев каби олимлар қозоқ тилининг фразеологиясини турли қирралардан ўргандилар.[Болғанбаев А., Қалиев Г., 2003:119] Бундай асарлар туфайли ХХ асрнинг 40-50 йилларида тадқиқот фразеология – тилшуносликнинг бир бўлаги сафатида тадқиқот объекти аниқланди ва янги тадқиқотларга йўл очилди. Гарчи кўплаб асарлар ёзилган ва фразеологизмнинг кўплаб қизиқарли муаммолари кашф этилган ва тадқиқотлар натижасида исботланган бўлса-да, фразеологизмда ҳали ўрганилиши керак бўлган кўплаб масалалар мавжуд. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир миллатнинг тил бойлиги, миллий онги, урф-одатлари, маданий ҳаёти, ривожланиш тарихини акс эттирувчи фразеологияларни ўқимай туриб, тил бойлигини, Ҳар бир халқнинг тил хусусиятларини тўлиқ англаб этиш мумкин эмас. Фразеологизмларнинг тузилиши, шахси, маъно ва услуб барқарорлиги жиҳатидан ўзига хос хусусиятлари бор.

Янги асрнинг бошларида қозоқ тили фразеологияси атофлича ўрганилишини Ж.М.Қонгиратбоевнинг тадқиқотларидан кўриш мумкин, у ўз тадқиқотларида фразеологизмларнинг бадий хусусиятларини, тематик-грамматик тузилишини ва услубий хусусиятларини кенг таҳлил қилган.

Шунингдек, қозоқ тили фразеологиясини янада тўлдирган асарларнинг бири Г.Сағидолда қизининг “Шеърый фразеологизмнинг этномаданий мазмуни” асарининг нашр этилганлигини таъкидламоқчимиз. Г.Сағидолда қизининг ижоди қозоқ тадқиқотчилари томонидан юқори баҳоланди ва бу фразеология муаммосида янги йўналишини кўрсатадиган илмий иш эканлиги таъкидланди. [Сағидолдақизи Г.,2003:142]. Асар мўғул тили фразеологиясини қозоқ тили билан таққослаш режаси билан ёзилган бўлса-да, монографияда келтирилган назарий лоихалар ўзига хослиги ва кўплаб янгиликлари билан ажралиб туради. Фразеологизмнинг муаллифнинг монографиядаги қисқача мазмуни фразеологиянинг умумий назариясини ривожлантиришга ёрдам беради деб умид қиламиз.

Қозоқ тилининг фразеологиясининг ривожига ҳисса қўшган Р.А.Авақованинг фразеологиянинг умумий семантикаси бўйича илмий ишларини айтиб ўтишни жоиз кўрдик. Муаллиф ушбу асарини қозоқ тилининг лексик бойлигидаги миллий колорит, тарих, урф-одатлар, маданият, сиёсий ва иқтисодий шароитлар ва унга боғлиқ фразеологизмларнинг маъносини,

уларнинг миллий психологик табиати ва рамзий хусусиятларини шакллантиришга бағишлайди, шунингдек қозоқ тилидаги фразеологизмларнинг семантикасини турли жабҳаларда таҳлил қилиш, унинг назарий муаммолари ва келиб чиқиш омилларини аниқлаш, сўз бирикмаларининг семантикасини очиқ беришга имкон берадиган этник-маданий хусусиятларини кўрсатиш, эскирган иборалар маъносини таҳлил қилиш, плеонизм ҳодисасини лингвистик жиҳатдан баҳолашни мақсад қилган ва белгиларнинг семантик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилган.[Авақова Р.А.,2002:98].

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг тадқиқотимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ўзбек ва қозоқ тиллари фразеологияларини қиёсий ўрганиш муаммолари ушбу икки тилда кўп жиҳатдан ўрганилиб, тилшунослик ва таржима назарияси ривожига кўплаб янгиликларни олиб келади деб бемалол айтиш мумкин. Демокчимиз, ҳам мураккаб, ҳам қизиқарли бўлган тилдаги фразеология ҳали ҳам ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади, бу эса кўплаб назарий, амалий ва услубий жиҳатларда жуда кўп изланишларни талаб қилади. Шу сабабли, шу нуқтаи назардан, ўзбек-қозоқ тиллари фразеологиясини батафсил ўрганиш, уни халққа етказиш тил меросимизни улуғлашда муҳим вазифа бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sayfulayev B. Some Problems of Phraseology of Turkic Languages (On the Example of Eye Phraseosomatizm). <http://dx.doi.org/10.47814/ijssrr.v5i4.263>
2. Sayfulayev B. Structural Features of Uzbek-Kazakh Dialectal Phrasemas. <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/311>
3. ААбдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар (газета тилини ўрганишга доир материаллар). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1990.-120 б.
4. Авақова Р.А. Фразеологиявий семантика.-Алмати: Қозоқ университети, 2002.
5. Болғанбаев А., Қалиев Ғ. Қозоқ тилининг лексикологияси ва фразеологияси.-Алмати.2003.
6. Казым-бек М.А. Общая грамматика турецко-татарского языка. Выпуск II. - Казань, 1846 – С. 120.
7. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Тошкент: 2000. – Б.
8. Раҳматуллаев Ш.У. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка. АКД. - М.: 1952. - 16 с.;
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 131.

10. Сағидолдақизи Ғ. Шейрий фразеологизмнинг этномаданий мазмуни.- Алматы.2003.
11. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. - Тошкент, 1995; Абдусайдов А. Газета сарлавҳаси (қўлланма). - Самарқанд, СамДУ нашри, 1995. – Б. 98-117.

